

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 252 (10.305)

2004 ЙИЛ 30 ДЕКАБРЬ

ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ

Пойтахтимизнинг мухташам Халқлар дўстлиги саройида болажонларнинг кўнглини бир олам кўнвонч шодликка тўлдириб Президент арчаси томошалари бўлиб ўтмоқда.

Янги йилни сабрсизлик билан кутаётган жажжи болажонлар узоқ ўрмондан ташриф буюрадиган Корбобою Қорқиз, Малика, Шахзода, Санта-Клаус каби сеvimли эртақ қаҳрамонлари билан учрашиб, бирга рақсга тушиб яйрамоқдалар. Юртбошимизнинг янги йил совғаларидан баҳраманд бўлмоқдалар.

СУРАТДА: Президент арчаси шодибенасидан лавҳа.

Сарвар ЎРМОҲОВ (ЎЗА)
олган сурат



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

В.И.Норовни Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавкуллода ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Владимир Имомович Норов Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавкуллода ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 декабрь.

XXI сағоси

Мамлакатимизда

• Кеча Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залини мамлакатимизнинг иқтидорли болалари яратган юзлаб расмлар, амалий санъат намуналари беэади. Бу ерда «Янги авлод» болалар ижодиёти республика фестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

• Бекободдаги «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси металлурглари жорий йилни муваффақиятли якунлашди. Йил давомида бу ерда 586 минг тонна пўлат эритилди, экспорт ҳажми икки баробар ошди.

• «Муборакнефгаз» унитар шўъба корхонаси таркибидаги конлар сони яна биттага ортди. Кўп йиллардан бери захирада турган «Жанубий Кемачи» нефть ва газ кони фойдаланишга топширилди.

• «Сувжихозгаз» Ўзбекистон-Хитой кўшма корхонаси Хитой Халқ Республикаси ҳукумати томонидан фойсиз асосда ажратилган 12 миллион АКШ доллар миқдоридagi молиявий кўмакни олди.

Жаҳонда

• Жануби-Шарқий Осиёда рўй берган табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш ишлари давом этмоқда. Жумладан БМТнинг озиқ-овқат дастури тўғрисида жабрланган Шри-Ланка, Таиланд ва Индонезияга 28-30 миллион долларлик ёрдам зарур эканлигини билдирди.

• Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай мамлакат ҳукуматида туб ўзгаришлар амалга оширилишини билдирди. Жумладан, мамлакат муҳофаа вазири Муҳаммад Фахим истеъфога чиқарилди.

• Россия Федерацияси иқтисодий ривожланиш вазири Герман Греффинг билдиришича Россия Бутунжаҳон савдо ташкилотига кириш юзасидан музокараларни 2005 йилнинг кузида якунига етказди.

• Бағдоддаги бинолардан бирида рўй берган кучли портлаш оқибатида 28 нафар киши ҳаётдан кўз юмди. Уларнинг 7 нафари полиция ходимидир.

• Ёш, иқтидорли катта ракета устамиз Важа Узоқов Қозогистонда ўсмирлар ўртасида теннис бўйича ташкил этилган «Павлодар опен - 2004» мусобақасида бош совринни кўлга киритди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

29 декабрь куни Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов бўйича айрим сайлов округларида такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев 26 декабрда сайлов қонун доирасида, очиқлик ва ошкоралик асосида ўтганини ҳамда округ сайлов комиссияларидан олинган баённомаларни ўрганиб чиқиш натижасида ушбу сайловда Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 58 округдан депутатликка номзодлар зарур миқдордаги овоз тўплай олганини аниқланганини маълум қилди.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси 2005 йилнинг 9 январиде депутатликка икки нафардан ортик номзод кўйилган, аммо улардан биронтаси ҳам сайланмаган тегишли сайлов округларида, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Такрорий овоз бериш сайлов ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг ўша рўйхатлари бўйича ташкил этилади.

Такрорий овоз беришни ўтказиш даврида сиёсий партиялар, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари ва депутатликка номзодлар сайловда ташвиқотини олиб боришда белгиланган аввалги тартиб-қоидаларга амал қилади. Сайловда ташвиқоти такрорий овоз беришни тайинлаш тўғрисидаги қарор расман эълон қилинган кундан бошланади ҳамда такрорий овоз бериш куни арафасида тўхтатилади.

Марказий сайлов комиссияси такрорий овоз беришга тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурини тасдиқлади.

Мажлисида кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Ғулом МИРЗО,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА АЙРИМ ОКРУГЛАРДА ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

2004 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўлиб ўтди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тўла мувофиқ равишда ошкоралик ва очиқлик руҳида ўтган сайловда 12 миллион 197 мингдан зиёд киши ёки сайловчиларнинг 85,1 фоизи қатнашди. 94 округда ёки округлар умумий сонининг 78 фоизиде битта депутатлик ўринга 4-6 номзод кўйилган эди.

Округ сайлов комиссияларининг 2004 йил 26 декабрда ўтказилган сайлов натижалари бўйича баённомаларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси овоз бериш натижалари бўйича 58 та сайлов округида номзодлардан биронтаси ҳам сайланиш учун зарур бўлган овозлар сонини тўпламаганлигини аниқлади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 45-моддасига, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 58 та сайлов округида такрорий овоз бериш 1-иловага мувофиқ 2005 йил 9 январда ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 45-моддаси биринчи қисмига мувофиқ такрорий овоз бериш асосий сайлов дав-

рида сайловчиларнинг энг кўп овозларини олган икки нафар номзод бўйича ўтказилади;

такрорий овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун ташкил этилган сайлов участкаларида сайловчиларнинг ўша рўйхатлари бўйича ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ ўтказилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан тадбирлар дастури тасдиқлансин.

3. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи тегишли округ сайлов комиссиялари такрорий овоз беришни «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказишни таъминласинлар.

4. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси Раиси

Б.МУСТАФОЕВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг 2004 йил 29 декабрдаги қарорига 1-иловага мувофиқ, - жумладан:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

- 3-Темирйўл сайлов округи
- 5-Кўйлик сайлов округи
- 7-Дўмбиробод сайлов округи
- 8-Хадра сайлов округи
- 10-Астробод сайлов округи
- 11-Тўқимачи сайлов округи

**АЁЛЛАР
ФАОЛЛИГИНИ
ОШИРИШ — ДАВР
ТАЛАБИ**

Шу йилнинг декабрь ойида бир қанча ноҳукумат аёллар ташкилотларини атрофига бириштирган «Меҳр» ташкилоти республика Хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятидаги етакчи аёллар иштирокида семинарлар ташкил этди. Семинарлар «Ўзбекистон Республикасидаги сиёсий жараёнларда аёлларнинг иштирокини фаоллаштириш» лойиҳаси доирасида уюштирилган бўлиб, мазкур лойиҳа ЕХХТ-нинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари Бюроси томонидан қўллаб-қувватланаётган минтақавий «Марказий Осиёда аёлларнинг сиёсий иштироки» дастурининг мантиқий давоми ҳисобланади.

Давлатимиз сиёсатининг асосини ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш ташкил этади. Хозирга қадар республикамиз Президентини ва Вазирлар Маҳкамасининг республикада аёллар маъвийни янада ошириш, уларнинг сиёсий фаолигини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор Фармонлари ва қарорлари эълон қилинди. Ўзбекистон Конституциясида эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуққа эга экани қонуан мустаҳкамланган. Шунингдек фуқаролик, меҳнат, оилавий, жиноий ва бошқа кодексларда ҳам ҳуқуқларнинг тенглиги таъкидланган. Бинобарин, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ҳужумасига қаратилган қирқдан ошмироқ халқаро ҳужжатларга қўшилганини айтиш жоиз. Аёлларга нисбатан ҳар қандай шаклдаги таъқиқларни йўқотиш тўғрисидаги Конвенция ҳам шулар жумласига киради.

Конвенциянинг асосий принципларидан бири аёлларнинг мамлакат қонунчилик органларидаги иштирокини таъминлашда ҳуқуқлар тенглигини таъминлашдир. Шунга кўра хотин-қизлар ҳаракатларини ривожлантириш, уларни республика ҳуқуқоти ва халқаро ташкилотлар кўмағида янада қўллаб-қувватлашни бугунги кун талаби дейиш мумкин. Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторига киришнинг жадваллаштириш, унинг иқтисодий-ижтимоий салоҳиятини янада юксалтиришнинг асосий йўналишларидан бири мазкур жараёнларда аёллар ва хотин-қизларнинг иштирокини кенгайтириш дейиш мумкин. Зотан, ўзбекистонлик хотин-қизлар ва аёлларнинг билим-салоҳияти ва малакаси шунга хизмат қилмоғи лозимдир. Очигини тан олиш керак, бугун мамлакат бошқаруви, турли қонулар қабул қилиш жараёни ва уларнинг ижросини таъминлашда аёлларнинг иштироки унчалик юқори эмас.

Кейинги вақтларда жамоат ва давлат ташкилотлари, шунингдек ноҳукумат аёллар ташкилотларининг сайёҳаракатлари билан хотин-қизлар ва аёлларнинг турли даражадаги бошқарув ва ижроия органларидаги иштирокини оширишга қаратилган ижобий ўзгаришлар юз берди. Хусусан, иккинчи чакирчи Олий Мажлисининг XV сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунга қўшимчалар киритилди. Қонуннинг «Сийёсий партиялар томонидан номзодлар кўрсатиш» тўғрисидаги 22-моддасига номзодларнинг 30 фоизини аёллар ва хотин-қизлар ташкил этиши борасидаги банд қўйилди. Марказий сайлов комиссиясининг маълумотига кўра сайловда қўрсатилган номзодларнинг 31,5 фоизини аёллар ва хотин-қизлар ташкил этган. Бир неча кундан кейин эса Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайланган аёллар тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлмади.

Семинарларда иштирок этган аёллар ва хотин-қизлар, давлат ва жамоатчилик тизимида меҳнат қилаётган ҳамда аёллар ташкилотларининг раҳбарлари, депутатликка номзодлар ва ОАВ вакиллари жамиятдаги демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, ёш авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни, шунингдек, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг давлат бошқарувидаги иштироки, хотин-қизлар ва аёлларнинг сиёсий-ижтимоий ҳуқуқларини таъминлашдаги ҳаракатлар борасида уларнинг фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Зумрад ХАБИБУЛЛА қизи.

Ватанга хизмат — муқаддас бурч

ЎҒЛОНЛАР ҚАСАМЁД ҚИЛИШДИ

Бугунги кунда тамоман янги, профессионал асосдаги армияни шакллантириш бўйича легионлар изчил амалга оширилмоқда. Куролли Кучларни ташкил қилишнинг замон талабларига асосланган батамом янги тизими жорий этилмоқда. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чакируви резервидаги хизматини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим омили бўлмоқда. Бу эса «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш, сафарбарлик чакируви резервидаги хизматни самарали ташкил этиш, муддатли хизматни ўтаётганларни аҳддий рағбатлантиришни кучайтириш, шунингдек, Куролли Кучлар нуфузини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Куни кеча Чирчиқ шаҳрида сафарбарлик чакируви резерви хизматчиларининг тантанали ҳарбий қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирни Тошкент ҳарбий округи қўмондонини, генерал-майор Баҳодир Тўшматов очар экан, мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, сарҳдларимиз дахлсизлиги ва худудий яхлитлигини сақлаш, эл-юртимиз тинчлиги ва оқсоишталлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир, давр талабига тўлиқ жавоб берадиган, микдор жиҳатидан илҳам ва ҳаракатчан Куролли Кучлар вужудга келтирилаётганини таъкидлади.

Айтиш мумкинки хизматнинг янги тури бўлиши сафарбарлик чакируви резерви йиғини гарчи қисқа фурсат давом этсада, ушбу хизматга жалб қилинган фуқаролар бир ой мобайнида жанговар техникавий билим ва кўникмаларни пухта ўрганиб, сабда юриш, янги техника воситаларидан моҳирона фойдала-

ниш каби ҳарб илмига хос жиҳатларни мукамал эгаллайдилар.

—Сафарбарлик чакируви резерви хизмати ўқув режасида маънавий-маърифий йўналишга эътибор қаратилган, — дейди биз билан суҳбатда қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Норимжон Абдурахмонов. — Улар аввало саф тайёргарлиги, умумҳарбий низоомлар, тактик тайёргарлик, ҳарбий топография, ўқув машқлари, жисмоний тайёргарлик бўйича бир ой мобайнида офицерлардан сабоқ оладилар. Ўқув машғулларида видеокассеталар орқали ватанпарварлик, буюк аجدларимиз ҳақида кинофильмлар намойиш қилинади. Хар йилдан бери интеллектуал ўйинлар сафарбарлик чакируви резерви ва ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтказилади. Бундан ташқари спортнинг турникка тортилиш, футбол, баскетбол, шахмат-шашка каби турлари бўйича мусобақалар ўтказилади. Ўйламанки, бир ой назаримизда жуда қисқа кўринсада чакирилувчилар

фақат ҳарбийликдан эмас, йилги кишининг иродали, қўли, соғлом, кенг тафаккурли бўлишидан ҳам сабоқ оладилар.

Бугунги тадбирни кузатар эканмиз, ҳарбий қасамёд қабул қилаётган йилгитларнинг кўни кечагина келганига ишонгимиз келмади. Уларнинг қадамлари шаҳадам, қарашлари тийрак, кўлда қуролини маҳкам тутганлар, нигоҳлари эса «Шу юрт менинг киндик қоним тўкилган муқаддас туپрак, уни кўз қорачиқидан сақлаш фарзандлик бурчим» деб турибди.

Тадбирга тақлиф этилган ота-оналар, «Махалла», «Нуроний» жамғармалари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби қатор жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам юқори кўтаринлик билан ўз дил сўзларини изхор этдилар, бугунги ҳаяжонли кун билан қўтладилар. Биз бир гуруҳ ота-оналарнинг фарзандлари билан қизгин суҳбат қураётганини кўрдик. Тошкентлик Каримбой Шарипов ўғли Санжарни, Раёно опа Агзамова ўғли Жасур




Агзамовларни илиқ дил сўзлари билан қўтлаб, ҳарбий форманинг жуда ярашганини ота-оналик меҳри билан изхор қилдилар.

Бугун тадбир давомида олган таассуротларимиз олам жаҳон. Яна бир томони эса давлатимиз томонидан яратилаётган бу каби қўлайликлар замирида эса халқ ва армиянинг бирдамлиги муҳасам десак асло муболага бўлмайд.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТДА: Тошкент ҳарбий округига қарашли қисмларда бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа. **Ҳасан Пайдоев** олган сурат.

Ўзбекистонда тайёрланган
**«AKVATEX»НИНГ
ДАДИЛ ОДИМЛАРИ**

Ўтаётган йил пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «AKVATEX» масъулияти чекланган жамияти учун муваффақиятли келди. Аънавий «Ташаббус» кўрик-танловининг пойтахт босқичида голибликни қўлга киритиб «Энг яхши тадбиркор» номига сазовор бўлган қорхона жамоаси ақинда Америкадаги йирик «KINETICO» фирмасининг сертификатини олишга муяссар бўлди ҳамда ушбу машҳур фирма билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйди.



Юртимизда тадбиркорлик ривожига қаратилаётган қатта эътибор, яратилган шарт-шароитлар асосида иш бошлаган ушбу қорхона ўтган қисқа муддат мобайнида фақат республика миқдосида эмас, балки чет мамлакатларда ҳам ўз харидорига эга бўлди. Энг муҳими эса, тадбиркорларнинг ички ва ташқи бозорни чуқур ўрганиш асосида яратилган махсулотлари сифати ва рақобатбардошлиги билан буюртмачиларни жалб этмоқда. «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиғи остида Қозоғистон, Россия, Эрон, Афғонистон сингари давлатларга экспорт қилинмоқда.

—Сувни бежизга тириклик манбаи деяр атамаймиз, — дейди қорхона раҳбари Альбина Сафарова. —Албатта, у тоза, инсон саломатлигига зарар етказмайдиган, атоф-муҳитга зўиёнсиз бўлса ҳақиқий оби-ҳаёт ҳисобланади ва бизнинг ўз олдимиизга қўйган асосий максамдимииз ҳам ана шу. Зиммамиздаги масъулиятни хис этган ҳолда мана қарий 4 йилдирки илзанаёلمиз, янгиликка интиломқдамиз. Шу боис ҳам бугунги кунга келиб инсон саломатлиги ва атоф-муҳитга таъсир этувчи зарарли камайтирувчи сув тозалаш мосламаларимизнинг тури 40 дан ҳам ортиб кетди. Уларнинг ҳаммаси сертификатта эга бўлиб, сувни химикатлардан фойдаланмаган ҳолда тозалайди. Шунинг баробарида мутахассисларимиз буюртмачи талабидан келиб чиқиб мосламаларини ўрнатиб ҳам беради. Махсулотнинг эса 1 йиллик кафолат муддати мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, қорхона ўз фаолиятини тозалаш мосламаларининг туридан қатъи назар ҳар бир харидорнинг истак ва тақлифлари асосида юритилади, сифат эса ишлаб чиқарилаётган махсулотнинг бош мезони ҳисобланади. Хорижий компаниялар билан ҳамкорлик, ташқи бозорни ўрганиш ҳам тадбиркорларга қўл келиб, имкониятлар эши-

гини очмоқда. Бунга «AKVATEX» махсулотларининг Германия, Франция, Бельгия, Голландия ва бошқа йирик давлатларда бўлиб ўтган тақдимотлари ҳам ёрқин мисолдир. Қорхонада тайёрланган сув мосламалари сифати ва технологияси учун Европадаги «Арка— Arch Europa» ташкилотининг энг юқори даражали халқаро мукофоти билан тақдирланган.

Албатта, сифатли, экологик тоза озиқ-овқ-



ат махсулотлари ва салқин ичимликлар тайёрлашда қорхона махсулотли, яъни сув тозалаш мосламаларининг аҳамияти ва роли қатта. Шу боис ҳам хозирда мамлакатимизда фаолият юритаётган озиқ-овқат махсулотлари ва салқин ичимликлар ишлаб чиқарувчи қорхона ва ташкилотларнинг 85-90 фоизи «AKVATEX»нинг ана шундай мосламаларидан самарали фойдаланмоқда. Бу, албатта қорхона махсулотларига харидорлар сафи кенгайиб, сифати ва кафолатлиги ишонч ортиб бораётганидан дарақдир. «AKVA», «Экветик», «Себур», «Беш-ёғоч», «Балтимор» ва бошқа қўллаб турдаги савдо белгилари ана шулар жумласидандир.

Бугунги кунга келиб тадбиркорлар шу нарсасга эришдиларки, уларнинг сув мосламалари хар қандай, ҳатто шўр денгиз сувини ҳам тозалаш имкониятини беради. Шу боис ҳозирда Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро вилоятларига ўз тақлифларини бериб, улардан буюртмалар олишга, ушбу худудларда яшовчи аҳоли саломатлиги йўлида, уларни тоза ичимлик суви билан таъминлашга муно-

сиб ҳисса қўиш ниятида сайё-ҳаракат қилишмоқда.

Айтиш лозимки, айни пайтда маъданли сувларни қадқолашда, ётоқхона, қоттеж ва ресторонларда тайёрланган сув филтрларидан кенг фойдаланилаётганлиги эътиборга молик. Бу, албатта юқоридagi қорхона махсулотли сифати ва рақобатбардошлигига бўлган ишончдир. Шу билан бирга қорхонада сервис хизматининг ташкил этилганлиги ҳам харидорлар сафини оширмоқда.

—Харидорларимизнинг бизни таниши, махсулотларимизни тан олиши ва ишончи келгуси ривожимизга, ўз устимизда тиёмий ишлашимизга, янгиликлар яратилишимизга қатта ёрдам беради, — дейди Альбина Сафарова. —Ривожланиш учун эса пухта режа бўлимоғи керак. Келгуси йилда ана шундай режа орқали ишлаб чиқаришни кенгайтиришни кўзда тутганимиз. Албатта, Президентимизнинг 2005 йилни Сихат-саломатлик йили деб эълон қилганлари жамоамиз аҳлини ҳам руҳлантирди. Бу борада ҳиссамиз салмоқли бўлишини истаган ҳолда махсулотларимизнинг рақобатбардош турлари янада ортади, ишчиларимиз сафи эса кенгайди. Муҳими эса импорту ўрнини босувчи, балки унданда афзал, сифатли, кафолатли махсулотларимиз билан харидорларимиз талабини қондириш баробарида, хорижий ҳамкорлар билан ишлаб экспорт ҳажмини ҳам оширишга эришамиз.

Ҳа, тадбиркорлар янги — 2005 Сихат-саломатлик йилига қўтулғу ният ва муваффақиятли одимлар билан кириб келишмоқда. Нима ҳам дердик — ниятлари ҳаммиса йўлдош бўлиб, мамлакат иқтисодийтеги раванқида ҳиссалари янада ошаверсин.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: мутахассислар тайёр махсулотларни кўздан кечиршимоқда; тайёрланаётган сув мосламалари қорхоналарда қўл келиб, экологик тоза махсулот ишлаб чиқаришга асос бўлмоқда; Американинг «KINETICO» фирмаси томонидан берилган сертификат.

Kinetic Central & Eastern Europe
Division of Earth Resources
hereby certifies that

AKVATEX CO.

Is the authorized distributor for Earth Resources and Kinetic products in
Uzbekistan

3th December 2004

Кучадан бораётиб, кесишган йўлдан келаётган икки мўйсифидга йўл бериш учун бир неча сония тўхтаб туриб, салом бердим. Улар саломимга алик олишиб, яна ўз суҳбатларида давом этдилар.

— Ҳа, майли, келаси ҳафтага кичик набираним тўйини омон-эсон ўтказиб олайликки, кўрармиз.

— Бизга ҳам хизматлар борми?
— Сен билан менга нима хизмат бўларди. Ўшмиз саксонни қоралаб бўлди. Қанча хизмат бўлса энди болалардан ортмайди.

Бизнинг вазифини ўзининг дуо қилиш, илоё юрт қилиш...

Улар суҳбатларининг уёғини эшитолмадим. — «Юрт тинч бўлсин», деган тиллак миямда тўхтамай айланарди. Бошқа вақт одатий бир ҳолга айланиб, баъзи пайтларда бу масала назаримиздан четда қолаётгандек гўё. Уйлаб кўрсам, мен билган кимсаларнинг барчаси дуога қўл очар эканлар, энг аввало юртга омонлик тилайдилар. Албатта, бу бежиз эмас, эро, тинчлик, осойишталик бор жойдагина тараққиёт, ривожланиш бўлади.

Шу алфоз, бир неча йил олдин бир буюро яҳудийси билан учрашганимдаги фикрлари хотирамга келди. Унинг ҳикоя қилишича, асли ўзи буюролик бўлиб, 80-йилларда Исроил давлатига кўчиб кетган экан. Уй-жойи, машинаси, ҳатто дала ҳовлиси борлиги, маошини катта экани ҳақида гапирар эдию, кўнглининг бир чеккасидаги тавшиши шудқоқина кўзидан кўришиб турарди. Мен ҳам шуни сезгандек, «Турмуш тавшишлари йўқ бўлса, жуда хотиржам экансиз-да», дедим. Сўзим унга таъсир қилди чоғи: «Мен айтаётган шароит ҳар бир инсоннинг орзуси, лекин, бизнинг ҳам бир катта муаммосимиз бор — тинчимиз йўқ, хотиржам эмасмиз. Ҳар ҳафта бирон ерда кўпуровчилик ҳаракати...» дея жавоб берди.

Дарҳақиқат, ушбу ҳолатларни ёдга оларканмиз, тинчлик нақадар улғунеемат эканига яна бир бор амин бўлади киши. Президентимиз Ислам Каримовнинг «**Тинчлигимизни асрашимиз керак...**», деб бошланувчи хитоблари ҳар биримиз учун қундалик дастуруламал, десам муболага бўлмайди.

Шу ўринда баъзилар: «Нега шунча хавотир, ахир тинч яшаймизку?», дея истехзо қилишлари ҳам мумкин. Тўғри, ҳаётимиз тинч, лекин ана шу тинчлигимизни кўролмаётган кучлар борлиги, унга раҳна солишга қаратилган ҳаракатлар қилингани хотирамиздан фаромуш бўлмаслиги керак. Уша машум февраль ёки, шу йил баҳори ва ёзиде содир бўлган кўпуровчилик ҳаракатлари манфур кучларнинг ўзига ҳос хатари бор эканлигидан далолат беради. Энди бир ўйлаб кўрайлик, мазкур террорчилик оқибатларида қурбон бўлганлар бизга бегона эмаску, ахир. Улар юртдошимиз, миллатдошимиз. Уларни ҳам эрталаб онаси, аёли, фарзандлари эғу умидлар билан кузатиб қолган. Энди уларнинг нигоҳи ҳеч қачон оталари ёки фарзанди ё бўлмаса, суюкли ёри очиб қиролмайдиган эшикка қадалган. Уларнинг айби, гуноҳи нима эди?

Кишига каттик таъсир этадиган томони шундаки, ушбу жиноят ижрочиларини етказиб беришда мафқуравий қурол вазифини ўтаётган «Хизбут-таҳрир» кўпуровчилик амалиётларини олиб бормас эмиш. Шу ерда ўринли савол туғилади: «Итти қопишга ўргатган эгаси айбдорми, ёки қопган итми?». Халқда бир гап бор, «Илоннинг бошини янч». Топиб айтилган гап. Зеро, бошсиз илоннинг хатари йўқ. «Хизбут-таҳрир» гоғлари эса, илоннинг боши, аслида.

Уларнинг узлари қайд этидилар: «Қоғирлар орасига кириб, ўзининг жонига қақ қилиш билан уларнинг ҳам бир нечасини ҳаётдан олиб кетган киши — шахидлик мақомига эришади». Аввало, қоғир ким? Луғатларда «инкор этувчи» маносини беришчи бу атамаси ислом таълимоти нуктаи назаридан «Аллоҳни ва унинг динини тан олмайдиган кимса»га айтаилади. Энди мазкур ҳаракатлар натижасида мусулмон фарзандлари ҳам жабр кўрди-ку. Бундан ташқари исломда ким қандай эътиқодда бўлишидан қатъи назар, бегуноҳ одам ўлдиришни қораланиши, ўз жонига қақ қилган инсонга жаножа ҳам ўқилмаслиги барчага маълум ва равшан. Бундан келиб чиқадикки, уларнинг диний даъволари мутлақо асоссиз. Уларнинг мақсади фақат

нопоқ йўллар билан бойлик орттириш, ҳокимиятни қўлга киритиш, конституцион тузумни ўзгартириш.

Энди уларнинг ўз гаразли ниётларини дин никобига ўрашга интилаётганларининг асосий сабаби, дин инсон руҳиятига каттик таъсир этувчи омили экандир. Баъзан, бундай хунрезликни кўр-кўрона, асл мақсад-моҳиятига етиб бормамай амалга ошираётган, онги захарланган кимсаларга киши ачинади. Биргина Беслан воқеаларини олайлик. Бегуноҳ гўдақларни шу даражада хўрлаш ва хўрлаш учун инсон қанчалар онгини йўқотиши керак?, деган савол беринг келади.

Қўнмидаги гашар

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК — БЕНАЗИР НЕЪМАТ

Ҳар гал болалигим кечган эски маҳалламиз кўчасига йўлим тушганда, бу жойларнинг 20-25 йил аввалги ҳолати кўз олдимдан ўтади. Қишда тиззагача лой кечиб мактабга борар, ёзда кўчадаги чағғ уйга етгунча кийимларни бир аҳволга солар эди. Бугун кенг ва текис асфальт ётқизилган кўчанинг икки чеккасига ўтган йилги ҳашар вақтида экилган тераклар одам бўйида икки баробар ошган. Кўп қаватли уйлар орасида бежиримгина болалар майдончаси ташкил этилиб, биз болалигимизда чағғ босиб ётадиган футбол майдонига ҳам чим ётқизиблиди. Албатта буларнинг бари маҳалла аҳли томонидан амалга оширилган. Ана шундай хайрли ишларга гувоҳ бўлар экансан, маҳалла қадриятини тиклаш ва тақомил эттиришга Юртбошимиз бежиз астойдил киришмаган эканлар, деган фикрга боради киши.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бугун терроризм халқро миқёсдаги муайян марказларига ёга бўлиб, оламга ўзининг ёвузлик тўрини ташламоқда. Демак, биринчи навбатда, бу ишларнинг бошида турган ташкилотчи ва раҳнамолар хавфсизлигимизга таҳдид солади. Бугун жаҳон афкор оммаси терроризмга қарши биргаликда, баҳамжихат қурашиш лозим эканига амин бўлди. Аслида бу тақлиф бир неча йил давомида Ўзбекистон раҳбари томонидан қайта-қайта таъкидланган эди. Бугун терроризмга қарши қурашда ўзаро тажриба ва маълумотлар алмашиш, жаҳоннинг нуфузли давлатлари билан биргаликда минтақавий ва халқро миқёсдаги анти-террор марказларини ташкил этиш зармон талабига айланиб бормоқда. Бу борадаги амалий ишларга ҳам киришилди. Тошкентда ташкил этилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)нинг минтақавий аксилтеррор тузилмаси, яқиндагина пойтахтимизда бўлиб ўтган жаҳоннинг ўндан ортик нуфузли ташкилотлари иштирокидаги Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш масаласига бағишланган конференцияни мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

Бугун ҳаётнинг ўзи танлаган йўлимизнинг тўғрилигини тасдиқламоқда. Бу йўлни халқимиз ўз инон-ихтиёри билан танлаган ва уни бу йўлдан ҳеч қандай куч қайтара олмайди. Осиёишга турмушмизни бузишга қаратилган бир тўда разил жиноятчиларнинг фитна ва кўпуровчилик ҳаракатлари ҳам ўз йўлига тушиб олган, тараққиёт сари оидмлаётган халқимиз онгини ўзгартира олмайди. Уни ўз имони, эътиқодидан қалғита олмайди.

Аммо бизни бир масала — у ҳам бўлса, келажагимиз бўлган фарзандларимиз масаласи кийнайдик. Экстремистик оқимлар ҳали ҳаётий тажрибаси йўқ, дин ва дунё билимларидан етарли хабари бўлмаган ёшларимиз онгини соғлом бир ақлга сиймайдиган бузғунчи ақида ва гоғлар билан захарлашга интиломоқда.

Афсуски, айрим ҳолларда ана шундай сохта даъватчиларнинг даъволарини эшитиб, унга ўз муносабатимизни билдирмаймиз. Бир ўзбек ёки бир ҳолис мусулмон сифатида муқаддас динимизни носоғлом фикрлари билан обрўсизлантиришга интилаётган қалтабин «қўғирчоқлар»га аҳамиятсиз қараймиз. Уларни «қўғирчоқ» деб атаётганимизнинг сабаби бор. Чунки, уларнинг ортида бошқа кучлар, тўғрироғи аслияти на дин ва на бирон маърифат асосга бориб тақалмайдиган ёвузликлар яширин-

гани улар томонидан амалга оширилаётган ишлардан қўришиб турибди.

Терроризм муаммоси ҳақида гапирар эканмиз, бу иллатни бугунги инсоният орасидаги бир иллат-қасалликка ўхшатиш мумкин. Бу дардни даволаш, яъни башариётини ёвузлик исканжасидан қўқармоқ лозим. Бунинг учун нима қилишимиз керак?! Нималарга биз бугун эътибор бермаямиз? Бу иллатнинг илдиэ отишига нималар сабаб бўлмоқда?

Авалло, айтиш лозимки, ҳар қандай жаҳолатга қарши Юртбошимиз иборалари билан айтганда маърифат билан қурашмоғимиз даркор. Фақат аҳоли, айникса, ёшлар кўрасида диннинг маъри-

жоиз. Бироқ, қилинаётган ишлар қўлами ҳали талаб даражасида эмас. Бунинг учун инсон том маънода элпарвар, ватанпарвар бўлмоғи керак.

Учинчидан, айрим ҳолларда, вужудга келаётган мафқуравий адашларга жамиятда маъжуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни рўқач қилувчилар ҳам топилади. Аввало дўппини бошдан олиб бир фикр қилиб кўрайлик, ахир яқиндагина дўкон лештахталари шил-шийдон бўлиб, қарточка тизимида озиқ-овқат маҳсулотлари олинар, айникса, тўй ёки маърака ўтказиши лозим бўлганлар жуда қийналар эди. Истиклолнинг илк давриддан бошлаб, белгилаб олинган аниқ стратегия бугунги кунда ўз натижаларини бера бошлади. Жаҳоннинг ҳеч бир мамлақати тарихида биз босиб ўтган жараёнлар қўрилмаганини бугун жаҳон экспертлари ҳам эътироф этмоқдалар. Аммо, айрим табиятан дангаса, ҳамон шўролар давриддан қолган «хамма нарсаи давлат қилиб беради» деган ўй-ҳаёлдаги кишилар учраб турадики, айни ана шундай носоғлом қарашлар улардан келиб чиқади. Бу билан жамиятда иқтисодий муаммолар йўқ, деган фикрни бермоқчи эмасмиз. Бундай муаммо қайси давлатда йўқ, аслини олганда. Аммо, «Интиланга толе ёр» деган гап ҳам бор. Шу нақчага амап қилиб, кам бўлмаётган тадбиркорлар кўп юртимизда. Лекин масаланинг иккинчи тарафи, ташкилотларга кириб қолган айрим нопоқ кимсалар томонидан баъзи ҳолларда ўз шахсий гаразлари ваҳида тадбиркорликка турли гоғ қўйиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Биз бугун уларга ҳам қарши қурашмоғимиз лозим. Бу борада эса, ҳуқуқий маърифат асосий ўринни эгаллайди. Зеро, ўз ҳуқуқини билган инсон нафақат ўзининг ҳимояси, балки жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга ҳам ҳиссасини қўшган бўлади.

Баъзан, айрим ана шундай радикал оқимлар таъсирига адашиб, тушиб қолиб, озодликдан маҳрум этилган, сўнг пушаймон еб узурини айтгач, озодликка чиқарилаётганлар ҳақида айрим кишиларнинг «Бекор шундай қилияпти, букрини гўр тузатар, деган гап бор», каби норозилиklarини ҳам эшитиб қолсан киши. Агар эътибор берсангиз, Юртбошимиз ҳар бир ана шундай тажовуздан кейинко адашган фарзандларни кеңириш масаласида тўхталадилар. Бу бир тарафдан ўзбекона баркикенглик, иккинчи жиҳатдан эса, улар бир ижрочи, айб уларнинг ўзида эмас ва энг муҳими, улар ҳам ана шу эрт фарзанд. Агар ўзини тузатибдими, демак уни жамиятнинг тўлақонли азвоси сифатида қабул қилишимиз зарур. Акс ҳолда, биз фарзандларимизни бой бериб қўямиз.

Яна бир муаммо шундан иборатки, айрим ҳолатларда вазиятга бошқача тус бериб, террор ва экстремизмга қарши қураш сифатидаги ҳаракатларни баъзи хоржий аҳборот воситалари динга қарши қураш, дея таърифлайдилар. Бунинг қанчалар нотўғри ва носоғлом фикр эканини Ўзбекистонда бир кун яшаган инсон билади, мен бу ўринда мустақиллик йилларидаги диний соҳада амалга оширилган ишлар, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотурудий каби алломалар қабири узра бўлиб этилган муҳташам қадамжолар, тикланган қадриятлар ҳақида тўхталиб ўтирмайман. Кўзи очик одам буларни кўриб билиб турибди. Лекин Юртбошимиз сўзларидан бир иктибос келтирмоқчи эдим: «Агар мендан бугунги гоғат мураккаб, таҳликали бир вазиятда ўзимизни юртимизни ҳимоялаш учун, одамларимизнинг, мамлакатимиз ва халқимизнинг онгини, тақакурини ёсраш учун нима қилиш керак, бу борадаги энг муҳим вазифа нимадан иборат, деб сўраса, мен энг аввало, дину диёнатимизни, унинг софлигини асрашимиз зарур, деб айтган бўлардим».

Дарҳақиқат, динимизни, эътиқодимизни оёқ ости қилишга уринаётган кимсалардан уни ҳимоя этиш ҳар бир ўзбекистонликман, мусулмонман, деган кишининг муқаддас вазифини бўлмоғи керак. Ана шундагина заминимиз узра тинчлик деб аталган беназир неъмат барқорор, турмушимиз фаровон, истиқболимиз нурафшон бўлиши шубҳасиз.

Анвар АХМЕДОВ,
Тошкент шаҳар
ҳоқими ўринбосари



СУРАТДА: «Тошкент ёр-мой комбинати» очик акциядорлик жамияти кўшма корхонаси ходимларининг соғлиқларини тиклашлари учун барча керакли шарт-шароитлар яратилган.

ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ АСОСИДА

Жамиятда аёлларнинг мавқени янада юксалтириш, уларнинг меҳнатини енгиллаштириш борасида давлатимиз раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган улкан ишлар аёлларимизнинг орзу-умидлари рўбга чиқаётганининг ёрқин далилидир.

Маълумки, табибёт соҳасида меҳнат қилаётган ходимларнинг кўпчилигини оқ ҳарир либоси ўзига ярашган хотин-қизлар ташкил этади.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмаси шаҳар кўмитасида ҳам аёлларнинг нуфозини ошириш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашга катта эътибор берилмоқда. Ҳисобот-сайлов кампанияси даврида касаб уюшма органларида 80 фоиздан ортиқ аёллар ҳамда 41 фоиз ёшларнинг сайланишлари, уларнинг касаб уюшма фаолиятида кўпроқ иштирок этишларига эришилди.

Ҳукуматимиз аҳолини, айниқса, хотин-қизларни давлат ва жамият қўриқлишидаги, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий ва сиёсий ислохотлар жараёнидаги фаолликларини ошириш, кенг миқёсда иштирокини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий фаолиятини юксалтириш мақсадида улкан имкониятларни яратиб бермоқда. Айниқса оналар ва болаларни, кам таъминланган, кўп болали оилаларни, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмаси шаҳар кўмитаси тасарруфида 82972 нафар касаб уюшма аъзоси бўлиб, уларнинг 84 фоизини аёллар ташкил этади. Касаб уюшмалари ўз фаолиятини қонун устуворлигида олиб боради ва касаб уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялашнинг ўз олдига турган асосий вазифалардан деб билади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартдаги «Иш ҳақи ўз вақтида тўлалишига доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 88-сонли қарори касаб уюшмаларининг меҳ-

натта ҳақ тўлашнинг адолатли таъминини жорий этиш учун жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари орқали иш ҳақи тўловлари буйича қардорликнинг бартараф этилишига олиб келмоқда.

Соғлиқни сақлаш ходимларининг иш ҳақи анча паст даражадалигини инобатга олиб, тармоқ ходимлари касаб уюшмаси шаҳар кўмитаси Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Соғлиқни сақлаш бош бoshқармаси билан биргаликда бу масалани доимо назоратда олиб келмоқдалар. Жумладан, жорий йилнинг ўтган ойларда шаҳардаги барча туғруқ мажмуаларида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 9 ва 153-моддаларига биноан иш ҳақи бўйича метр ёки ҳужжатларнинг тўри қўлланиши бартараф қилинди. Натияжада 100 нафарга яқин ходимларга иш ҳақи тўлиқ тўланмаганлиги аниқланиб, бир миллион 176 минг сўмдан ортиқ маблағ уларга қайтариб берилди. Мазкур масала эса бош шифокор, бош ҳисобчи, иқтисодчи, кадрлар бўлими ходимлари, касаб уюшма кўмиталари раислари иштирокидаги йиғилишда кўриб чиқилди.

Меҳнатқашларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш жамоа шартномалари орқали амалга оширилмоқда.

Меҳнат кодексининг 118, 228, 232-моддаларида белгиланган имтиёзлар, яъни кўп болали ходимларнинг 2838 нафарига 35 соатли иш ҳафтаси, 16 ёшгача ногирон фарзанди бўлган 72 нафар ходимларнинг меҳнат таътилларида кўшимча 3 кунлик пуллик таътил ўрнатилган. 12 ёшгача икки нафар ва ундан ортиқ фарзандлари бўлган 2 миңдан зиёд аёлларга ҳам 3 кунлик пуллик таътил қўшиб берилмоқда. 127 та корхонада мақтаб ёшгача фарзандлари бўлган аёллардан 752 нафарига

қисқартирилган иш кунини белгиланган. 216 та корхонада эса 317 нафар аёллар муздатида аввал нафақага чиқарилди.

«Тўқимачи» акциядорлик жамиятининг тиббий санитария қисми ходимларига, айниқса еш болали аёлларга қисқартирилган иш кунини ва иш ҳафтаси ўрнатилган. Бу ходимлар иш вақтининг бошланиши ҳам қулай вақтга белгилаб берилмоқда.

10 йилдан 20 йилгача ишлаганларнинг меҳнат таътилларида бир, икки кун ва 30 йил ҳамда ундан кўп ишлаган ходимларнинг меҳнат таътиллари ҳамда кўшимча таътил кунлари берилмоқда. Бундай имтиёзли таътиллардан 24 киши баҳраманд бўлди. Соғлиқни сақлаш муассасаларида меҳнат қилаётган ва кўп болали ҳамда кам таъминланган 4500 нафар оилага 10 миллион сўмдан ортиқ моддий ёрдам берилди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларда нодавлат сектори янада жадаллаштириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. 28 та муассаса маъмурияти касаб уюшма кўмиталари билан келишган ҳолда жамоа шартномаларига ягона тариф жадвали буйича республикада белгиланган энг кам иш ҳақини кўпайтирган ҳолда тиббиёт ходимларининг даромадларини янада оширмоқдалар.

Соғлиқни сақлаш муассасалари маъмурияти ва касаб уюшма кўмиталари биргаликда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш тополмай қийналаётган аёллар ҳамда ёшларни ишга жойлаштириш буйича иш олиб бормоқдалар. Жумладан, иш тополмай юрган 23 нафар ёшлар ишга жойлашди.

Ганжар ИСЛОМОВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмаси шаҳар кўмитасининг раиси

«2004 — Меҳр ва мурувват йили» буйича белгиланган тадбирлар муҳим юридик ҳужжат сифатида жамоа шартномасига алоҳида бўлим сифатида киритилди.

Ишчи-хизматчиларнинг саломатлиги корхонанинг ижтимоий ривожланишида муҳим омилдир. Касалликни даволагандан унинг олдини олиш афзал, дейишганидек, ходимларнинг соғлом бўлиб, яхши кайфият билан ишлаши корхонага ҳам, ишчи-хизматчиларнинг оиласига ҳам барака олиб киради. Шу мақсадда корхона ишчиларининг соғлиқларини мустаҳкамлаш учун санаторий —профилакторийларга 16 донга йўлланма ажратилди. «Яллама» оромгоҳида ходимларнинг 180 нафарининг оилавий дам олишлари ташкил қилинди. Корхонада меҳнат қилаётган 3 нафар пенсионерларга даволанишлари учун санаторий-профилакторийга имтиёзли йўлланмалар берилди.

380 нафар ишчи-хизматчиларнинг тиббий кўридан ўтишлари ташкил этилди.

Ҳақ тўловларга баҳоли қудрат ёрдам кўлини чўзиш халқимизга хос савобли одат, миллий қадриятлардан ҳисобланади.

Ёлғиз яшаётган ногирон, уруш қатнашчиси бўлган жами 81 нафар кишига моддий ёрдам кўрсатилди. 223 нафар ишчи-хизматчиларнинг даволанишлари учун беш миллион 354 минг сўмдан зиёд миқдорда моддий ёрдам ажратилди. Иш вақтида фожиали ҳалок бўлган 46 нафар ишчи-хизматчиларнинг бонувчисиз қолган оилаларига бир миллион 10 минг

сўм миқдорда моддий ёрдам берилди.

Корхонадаги 60 нафар кам таъминланган ва кўп болали оилаларига бир миллион 242 минг сўмдан зиёд миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ишчи-хизматчиларни 50,60 каби кўтулур

лари учун шароит яратилди. Жумладан, 27 нафар кишининг стол тенниси, 14 нафар кишининг катта теннис билан шугулланишлари учун 250 минг сўм миқдордаги маблағ ажратилди.

Бозор муносабатлари ишбилармонлик билан

ёндошишни талаб этади.

«2-автокомбинат» очик акциядорлик жамиятига акцияларининг муайян қисмини хорижий сармоядор. Буюк Британиянинг «Интерешуге Лимитед» компанияси сотиб олиб, корхонага 250 минг АКШ доллари миқдорда сармоя киритиш мажбуриятини олди. Бу мажбурият буйича мазкур хорижий компания корхонани замон талабларига мувофиқ қайта таъмирлаш, янги автомобиллар сотиб олиш йўли билан уни ривожлантиришга қаратилган тадбирларни амалга оширмоқда. Яқинда корхона очик акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси ўтказилиб, «2-автокомбинат» очик акциядорлик жамияти «Интер-

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАДБИРЛАР

Меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш касаб уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан бўлиб, «2-автокомбинат» очик акциядорлик жамиятида бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда.

ёшларга тўлганликлари муносабати билан 22 нафар ходим бир миллион 230 минг сўмдан ортиқ миқдорда рағбатлантирилди. Корхонанинг фахрийлари, ишчи-хизматчиларидан 24 нафарини Самарқанд, Бухоро шаҳарларидаги тарихий обидалардан баҳраманд бўлиш, муқаддас даргоҳларни зиёрат қилишлари учун бепул автобус ажратилди.

Спорт — корхона ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Ишчи-хизматчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, уларни спортга жалб этиш мақсадида 25 нафар кишига «Митрофанов» номидаги сув спорти саройига чипталар берилди. Ишчи-хизматчиларнинг корхона ҳудудида спорт билан шугулланиш-

лари учун шароит яратилди. Жумладан, 27 нафар кишининг стол тенниси, 14 нафар кишининг катта теннис билан шугулланишлари учун 250 минг сўм миқдордаги маблағ ажратилди.

Бозор муносабатлари ишбилармонлик билан

ёндошишни талаб этади.

«2-автокомбинат» очик акциядорлик жамиятига акцияларининг муайян қисмини хорижий сармоядор. Буюк Британиянинг «Интерешуге Лимитед» компанияси сотиб олиб, корхонага 250 минг АКШ доллари миқдорда сармоя киритиш мажбуриятини олди. Бу мажбурият буйича мазкур хорижий компания корхонани замон талабларига мувофиқ қайта таъмирлаш, янги автомобиллар сотиб олиш йўли билан уни ривожлантиришга қаратилган тадбирларни амалга оширмоқда. Яқинда корхона очик акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси ўтказилиб, «2-автокомбинат» очик акциядорлик жамияти «Интер-

Транс-Сервис» кўшма корхонасига айлантирилди. Хорижий шерик корхонага илгари раҳбарлик қилган бошқарув кенгашига ишонч билдириб, бошқарув раҳбарларини ўз ўринларида қолдирди ва шу давргача корхонада амалга оширилган, ишчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган, ижтимоий соҳада бажарилиши керак бўлган, жамоа шартномасига киритилган барча тадбирларни ҳамда имтиёзларни сақлаб қолиш тарафдори эканлигини амалда исботламоқда. Хорижлик сармоядорнинг тақлифига кўра корхонанинг маъмурий-ҳўжалик бўлимида ишлайдиган оддий ишчи-ходимларнинг ойлик маошлари кўриб чиқилиб, 43 кишига ҳар ойда уларнинг иш ҳақига қўшимча тарзда республикада ўрнатилган энг кам ойлик маош миқдоридagi қўшимча ҳақ тўлана бошланди. Шунингдек, корхонада ишлайдиган кам таъминланган 71 нафар ишчига ғўшт махсулотлари бепул тарқатилди. Муҳими, берилган моддий ёрдамнинг, тарқатилган озиқ-овқат махсулотларининг миқдоридagina эмас, инсонга кўрсатилаётган эътиборда, меҳрда десак мулоҳаза бўлмайд.

Баҳоли-қудрат кўрсатилган гамхўрлик, инсоннинг кўнглини кўтариш меҳнат жамоасини янада ҳам жиҳат бўлиб барқали ишлашга қорлайди. Меҳнат аҳлининг мушуклини осон қилишга интилиш, уларга хизмат қилиш эзгу ниятимиздир.

Фарход НИҒМОНОВ,
«2-автокомбинат» очик акциядорлик жамияти касаб уюшма кўмитасининг раиси

Меҳр ва мурувват — халқимизга хос кўна фазилат, улмас қадриятдир. Меҳр-оқибат кўрсатиш инсонни эзгуликка қорлайди. Саховатпешалик унинг соҳибига кут-барака олиб келиб ишига ривож бағишлайди, тинчлик, тотовликнинг барқорор бўлишига хисса қўшади. Шунинг учун ҳам халқимизда саховат, меҳр кўрсатишни қадимдан улуглашда чуқур ўқимат мужассам. Касаб уюшмалари фаолиятида муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган ва кўп болали ногирон оилаларга, Меҳрибонлик уйларига баҳоли-қудрат ёрдам беришга катта аҳамият қаратилиши хайрли анъанага айланган.

Моддий ва маънавий кўмак кўрсатилмоқда

Муборак Рамазон ойининг содатли кунларида ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини умумхалқ байрами арафасида бундай савобли ишларнинг амалга оширилганлиги нури устига ало нурдир.

Тошкент шаҳар касаб уюшмалари ташкилотлари ва уларнинг касаб уюшма хизматидаги корхона, ташкилот ҳамда муассасаларининг маъмурияти касаб уюшма кўмиталари билан биргаликда бу борада бир қатор савобли ишларни ҳаётга татбиқ этди. Жумладан, эҳтиёжманд кишиларга, Меҳрибонлик уйларига, кам таъминланган кўп болали оилаларга икки миллион 590 минг сўмлик кийим-кечақлар, тўққиз миллион 775 минг сўмдан зиёд миқдордаги озиқ-овқат махсулотлари, тўққиз юз 30 минг сўмга яқин дори-дармонлар, уч миллион 818 минг сўмдан ортиқ миқдорда маданий-маиший моллар, тиббий асбоб-ускуналар, спорт товарлари харид қилиниб тақдим этилди. Шунингдек, муҳтожларга 15 миллион 144 минг сўмдан зиёд миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Бу хайрли мақсадлар учун жами бўлиб, 32 миллион 258 минг сўмдан ортиқ, касаб уюшмаларининг маблағлари ҳисобидан эса беш миллион 694 минг сўмдан ортиқ миқдордаги маблағлар сарфланган.

Бу борада ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноти ходимлари, маданият ходимлари, давлат муассасалари ва жамоа хизмати ходимлари, агросаноат мажмуаси ходимлари, енгил, мебель саноти ҳамда коммунал-маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари, металлургия ва машинасозлик саноти ходимлари, кичик бизнес, матлубот кооперацияси, савдо ходимлари касаб уюшмалари шаҳар ташкилотларининг касаб уюшма хизматидаги корхоналар ва ташкилотлар маъмурияти ҳамда касаб уюшма кўмиталарининг биргаликда амалга оширган савобли ишлари эътиборга лойиқдир.

Муҳтожлар, кам таъминланган, кўп болали ногирон оилаларнинг чип билан айтган дуосига, Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган азиз болаларнинг бегуборлик билан билдирган миннатдорчилигига сазовор бўлиш, инсонга наф келтириш олий бахт. Юксак қадрият сифатида уни эъзозлаш касаб уюшмалари фаолиятида устувор йўналишлардан бири бўлиб қолади.

Ирода ҲИҚМАТОВА,
Тошкент шаҳар касаб уюшмалари Кенгашининг масъул ходими

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Тошкент шаҳар касаб уюшмалари Кенгашининг саҳифаси

Жумладан, «Тошкент ёр-мой комбинати» очик акциядорлик жамиятида жорий йил мобайнида 536 нафар муҳтож ходимларга жами бўлиб 20 миллион 168 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, кам таъминланган 63 нафар оилаларга уч миллион 780 минг сўм миқдорда моддий ёрдам берилди, уларнинг фарзандларини ўқув қуроллари ва дарсликлар билан таъминлаш учун эса бир миллион 890 минг миқдордаги маблағ сарфланди. Аввал корхонада ишлаб, ҳозирда эса кексалик таштини сураётган 262 нафар пенсионерларга умумхалқ байрамлари арафасида 7 миллион 860 минг сўм миқдорда моддий ёрдам берилди. Бундан ташқари мазкур корхона раҳбарияти томонидан касаб уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда «Нуроний» жамгармасининг Ҳамза тумани бўлимига, Юнусобод тумани «Ногирон болалар соғлигини қайта тиклаш ва бирлаштириш» жамиятига, «Кўзи ожизлар» жамиятига қарашли корхонага, Тошкент шаҳар ўзaro ижтимоий ёрдам «Меҳрибонлик» жамиятига, 156-ўрта мактаб биносини таъмирлашга, 4-санаторий мактаб-интернатига, эҳтиёжманд инсонлар учун жами бўлиб 10 миллион 200 минг сўм миқдорда хайрия ёрдами кўрсатилди.

«Сувмаш» ва «Тошкентви-но комбинати» акциядорлик жамиятларида ҳам меҳр-мурувват ишларига алоҳида эътибор қаратиш хайрли анъанага айланган. Бу савобли ишлар жамоа шартномаси орқали амалга оширилмоқда. 2004 йилнинг 9 ойи мобайнида «Сувмаш» корхонасида

90 нафар эҳтиёжманд ходимларга жами бўлиб, бир миллион 909 минг сўм, «Тошкентвино комбинати»да эса 115 нафар муҳтож ходимларга бир миллион 734 минг сўмдан зиёд миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Тошкент ирригация ва мелiorация институтига жорий йил мобайнида 190 нафар ходимларга икки миллион 901 минг сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

Меҳр ва мурувват тадбирларига Ўзбекистон «Сифат» марказида бир миллион 495 минг сўмдан зиёд, «Фалда-Ал-те» акциядорлик жамиятида 9 миллион 650 минг сўм, «Ўзбекистон шампани» акциядорлик жамиятида бир миллион 290 минг сўм ва «Тошкент —нон шаҳри» ҳусусий ишлаб чиқариш корхонасида бир миллион 332 минг сўмдан ортиқ миқдорда маблағ сарфланган. Муҳтож кишиларнинг ҳолидан хабар олиш, баҳоли-қудрат моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш каби хайрли ишларни ҳаётга татбиқ этиш борасида куч-қувватимиз, меҳнатимизни аямаямиз.

Ноила УМАРОВА,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаб уюшмаси шаҳар кўмитасининг раиси.

СУРАТДА: Агросаноат мажмуи ходимлари касаб уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитасининг бошқаруви ходимлари ва фаоллари навбатдаги вазифаларини белгилаб олиш юзасидан маслаҳатлашмоқдалар.

МЕҲР-МУРУВВАТГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР

Агросаноат мажмуи ходимлари касаб уюшмаси шаҳар кўмитасининг касаб уюшма хизматидаги корхона ва ташкилотларда «Меҳр ва мурувват йили» дастури буйича тадбирлар ишлаб чиқилиб, жамоат шартномасига киритилган. Ушбу тадбирларни тузиш жараёнида касаб уюшма кўмиталари иш берувчилар билан ижтимоий шерикчилик тамойили асосида кам таъминланган, кўп болали оилалар, уруш қатнашчилари, ёлғиз ва ишламайдиган пенсионерлар каби моддий ёрдамга муҳтож кишиларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб, бу борада бир қатор хайрли ва савобли ишлар амалга оширилмоқда.



ча 106,4 минг сўм миқдорда ёрдам кўрсатилди. Жумладан, кам таъминланган уч нафар ходимга 300 минг сўм, олий ўқув юрларида таълим олаётган икки нафар ходим фарзандларининг контракт шартномаси пулини тўлашга 862 минг сўм, янги оила қурган уч нафар ходимга 900

МАЪМУРИЯТ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА

Ижтимоий ҳимоя — касаб уюшмалари фаолиятидаги устувор йўналишлардан биридир. Тошкент педиатрия-тиббиёт институтида маъмурият ва касаб уюшма кўмитаси билан биргаликда ўқитувчи-профессорлар, талабаларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш борасида қатор хайрли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Институтимиз касаб уюшма кўмитаси ҳам ўтган беш йил мобайнида қўллаб хайрли ишларни амалга оширишга муваффақ бўлди. Бу ижобий ишларни рўббга чиқаришда соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмаси кўмитаси му-тахассисларининг хизматлари-ни ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Кейинги давр ичида институт маъмурияти билан ҳамкорликда меҳнатни муҳофаза қилиш борасида муайян ишлар қилинди. Жумладан, институт ходимлари ҳамда талабалари учун етарли даражада шарт-шароитлар яратилди, ўқув хоналари, маъруза заллари, шунингдек спорт заллари, тест маркази, ошона ва кутубхоналар таъмирдан чиқарилиб, керакли замонавий техник асбоб-ускуналар билан таъминланди. Компьютер хонаси мавжуд бўлиб, унда Интернет орқали чет эллар билан мулоқот қилиш имкониятлари яратилган.

Институтимиз қошидаги ўқув-маслаҳат поликлиникаси тўла таъмирдан чиқарилиб, керакли тиббий жиҳозлар билан таъминланган ҳолда замон талаблари даражасида фаолият кўрсатмоқда.

Институт маъмурияти ва касаб уюшма кўмитасининг саъй-ҳаракати билан ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари, талабалар тиббий кўриқдан бепул ўтказилиб, уларни соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари ходимларимиз институтга қарашли бўлган «Шифокор» сихатгоҳида соғлиқларини тиклаб қайтмоқдалар. Сихатгоҳнинг афзаллиги шундаки, маъмурият билан касаб уюшма кўмитасининг келишув асосида даволанувчилар учун йўлланма нархлари арзонлаштирилмоқда.

Жорий йилда маъмурият томонидан 20 нафар оилага йўлланмалар бепул берилди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш ходимлари касаб уюшмаси

шаҳар кўмитаси томонидан ҳам ходимларимиз бошқа сихатгоҳларга ҳам йўлланмалар билан таъминланмоқда.

Ходимларимизнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳам талайгина ишлар қилинди. Ходимларимизнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ишлари ҳам тўри йўлга қўйилган бўлиб, устама, қўшимча ҳақлар, шу билан бирга 15 фоизли рағбатлантириш фондлари ходимларимизга доимий равишда бериб боришмоқда. Биргина шу йилнинг ўзида 200 нафардан ортиқ ўқитувчи ва ишчи-ходимларга 8 миллион 72 минг 871 минг сўмлик моддий ёрдам маъмурият томонидан кўрсатилди. Бу борада институт моддий ёрдам кўрсатиш комиссияси алоҳида иш олиб борди.

Бундан ташқари, умумхалқ байрамлари муносабати билан ходимларни рағбатлантириш мақсадида муқофот пуллари берилди.

«Меҳр ва мурувват йили» муносабати билан 60 нафар эр-қак ходимларимизга қостум-шамилар бепул берилди. Яқин кишиси вафот қилган 15 нафар ходимга жамоа шартномаси асосида икки ойлик маош миқдорда ёрдам пули ажратилди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳисобот йили мобайнида олиб борган фаолиятимиз муваффақиятли бўлди. Лекин ютуқлар бор жойда камчилик ва муаммолар ҳам мавжуд.

Ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш, камчиликларни бартараф қилиш фаолиятимизнинг диққат марказидан ўрин эгаллаган.

Бор билим-тажрибамиз, меҳнатимизни хайрли ишларни амалга оширишга, долзарб масалаларни ҳал этишга бағишлаймиз.

Абдушукр МАННОНОВ,
Тошкент педиатрия-тиббиёт институти касаб уюшма кўмитасининг раиси

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб
Домо бўлур...

Сўз келини сўзлашув пардасидан ташқарига чиқмаган экан, тил машшотасининг ихтиёридадир. Машшота уни хоҳласа баён боғига олиб киради, хоҳласа парда орқасида пинхон тута олади. Байт:

Сўз келини жилва қилмаган замон,
Соҳибнинг қўли остида пинхон.
Хоҳлаганда уни баён қилади,
Хоҳлаганда яна ниҳон қилади!

- Вафоли одамнинг дўстлиги ҳам самимий бўлади.
- Эшликда шундай иш қилки, қарганинда фойда берсин ва унинг беҳуда ўтганидан афсус ема!
- Эшлик мастлиги шароб мастлигидан ортиқ.
- Йигит йигитдан йиқилади, аммо таслим бўлмайди.
- Бир сандик олтидан бир зарра ақл яхши.
- Тинимсиз зибратдан малоллик тугилади.
- Йўлга чиқтидан аввал йўлдош қидир.
- Ҳар қуш ўз овозидан шодланади.

Байт:
Яхшилар айбидан кўз юмгин ҳар он,
Ҳасад кўзи билан боқмағил зиён.
Ўз айбинг кўрмоққа юз марта кўз оч,
Ўзгага бир бор ҳам кўз очидан қоч!

● ҲИҚМАТ. Дўст уч гуруҳдир: дўст, дўстингни дўсти, душманингни душмани. Душман ҳам уч тоифадир: душман, дўстингни душмани, душманингни дўсти. Байт:

Душманингда душман бўлади дўстинг,
Душманингда ул ҳам бўлади ағёр.
Душманингда дўстлик айласа дўстинг.
Душмандир у аканг бўлса ҳам зинҳор!

- Донолардан бири айтди: — Ёмон кишилар билан улфат бўлишдан қочгин. Одамнинг табияти ўғридир. У яхши кишилар билан суҳбатлаш бўлганда яхши хислатлардан баҳраманд бўлгани каби, ёмон билан улфат бўлганда ҳам улардан озгина бўлса-да, ёмон хислат ўғирлаб олади.
- Доноларнинг айтишича, ҳар кишини ҳам дўст тутиб бўлавермайди. Дунёда дўстанд кўра азизроқ ва қимматроқ нарса йўқ. Айтишларича, Абу Жаъфар Мухаммад ибн ал-Хусайн ўз отаси ҳақида ҳикоя қилиб куйидагиларни айтган: Дадам бир куни менга: «Эй ўғлим, беш тоифа киши билан дўстлик ва улфатлик қилма, улар билан ҳеч вақт суҳбат қурма!» — деди. Мен ундан: «Эй дадажоним, улар қайси тоифалар экан?» деб сўрадим. Дадам деди: «Биринчиси — фиску фужур аҳли. Улар сени халқ орасида расво ва шарманда қилади. Бир лўма нон учун сени сотишдан қайтмайдилар. Уларнинг одатлари шуки, сендан доим бир нарса тамасида бўлишади, агар бермасанг, халқ ичида сенинг ҳақингда ёмон гаплар тарқатишади. Одамлар эса гапинг тағига етмасдан сен билан ёмон муомала қила бошлайдилар».

— Иккинчиси бахил ва ҳасис кишилар. Агар сен бирор нарсага муҳтож бўлиб қолсанг, улар ҳеч қанда сenga бермайдилар. Сенинг молу давлатингни эса уялмай ёйдилар. Тугаса душманга айландилар. Мен бунга ўз бошимдан кечирганман. Пулим қўлгидаги дўстларим кўп эди. Камбағалликка тушиб қолганимда эса душманга айланганим, таяна тошини отишди.

Дадам давом этиб деди: — Уларнинг учинчиси ёлгончилар. Қимда бу иллат борлигини сезсанг ундан узокроқ ур. Улар сени ўз яқинларингдан айиришади ва беғоналарни яқинлаштирилади. Тўртинчи тоифа эса жоҳил, нодон ва аҳмоқ кишилардир. Улар билан бўлган суҳбат қилшига аста-секин тавсир эта бошлайди, тўри йўлдан оздириб, одамнинг ниътини бузади. Бешинчи тоифа эса лақма, дилида меҳри йўқ кишилардир. Бундай кишиларни маълум деб аташ мумкин.

Шаҳрин — фаҳрин

**ЮРТИМИЗ ЮРАГИ,
ҚАЛБИМИЗ ЗИЁСИ**

**бўлган гўзал Тошкентимиз ҳақида
Янги йил арафасидаги ўйлар**

Тошкентлик таниқли ганчкор, Ўзбекистон халқ устаси Асрол ҳожи Мухторов ва унинг шоғирдлари қўли билан сайқал топган қошоналар хорижий элларда ҳам гўзал чирой ва салобат билан қад қўтариб турибди. Уста шу кунларда ўзгача кайфият, зўр кўтаринчилик билан меҳнат қилмоқда. Устахонадаги бири-биридан гўзал ганч ва керамикадан ишланган паннолар, қандиллар бунёд этиладиган иншоотларни беэайди. Келинг, унинг қалбидан кечаётган дил туйғуларига, Янги йилда — 2005 йилда амалга оширадиган режаларига қўлоқ тутаёлик.


— Қадимги ва ҳамиша навқирон, узоқ ўтмиш тарихига эга бўлган Тошкентимиз Истиқлол йилларида ҳам бўйига, ҳам энига кенгайиб, бунёд этилаётган гўзал иншоотлар эвазига тобора гўзаллашиб бо-

дан-да мафтункор бўлишига баҳоли-қудрат улуш қўшимнинг фарзандлик бурчим деб биланам.

Пойтахтимизда қад кўтариб турган Олий Мажлиснинг, Темурийлар тарихи Давлат музейининг, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг, Халқлар дўстлиги саройининг, «Наврўз» мажмуасининг, «Ўзбекистон» сув спорти саройининг, мамлакатимиз вилоятларида бунёд этилган иншоотларнинг бундай гўзал ва бетакрор чирой бағишлашига шоғирдларим билан камтарона ҳисса қўшганимдан фахрлини кўяман. Ва бундай фахрланиш замирида ҳали олдинда қиладиган ишларим, юмушларим бисёр эканлигини юракдан хис этаман.

Маълумки, бунёд этиладиган бундай иншоотларнинг меҳроблари, устунлари биноларнинг умумий кўринишига мос тушадиган керамик қошинлар, паннолар, нақшинлар билан безатилади. Камина бундай устунлар ва меҳробларнинг нафақат ганчдан, балки керамикадан ҳам яратиб устида изланмоқда. Шаҳримизда бунёд этилажак бинолар ўз миллийлигини сақлаган ҳолда замонавий бўлиши керак. Мен айтаётган керамик қошинлар, безаклар кўп йиллар ўз қуркини йўқотмаган ҳолда сақланиб туриши билан ҳам ахамиятлидир.

Ҳар бир ижодкор хайрлашаётган йил якунида қилган ишларига ҳулосалар чиқаради, Янги йил режаларини тузади. Мен ҳам шу кунларда, тобора яқинлашаётган 2005 йил режалари билан бандман. Шу кезларда устахонамга қирган кишининг столлар устидаги янги-янги эскизларга кўзи тушади. Наврўз байрамига қадар 10 хил янги моделлар, эскизлар яратиб, уларнинг тайёр намуналарини қурилиш ташкилотларига тақдим этиш ниятидаман.



раётганидан кўзларимиз қувнамоқда, — дейди Асрол Мухторов. — Мухтарам Юртбошимизнинг кенг қўламдаги бу ишлардаги бекиёс эътибори ва ғамхўрлигини яққол шоҳида бўлиб турибмиз. Биргина бу йил нишонланган Муस्ताқиллигимизнинг қўлғу 13 йиллик тантанаси кезларида пойтахтимизда қад кўтарган салобатли кўприкларни, кенг ва равоқ чўчаларни, халқимиз турмуш фаровонлигига хизмат қиладиган иншоотларни бир эсанлар. Бунда қўли гул қурувчиларнинг фидойий меҳнатлари айнисса салмоқлидир.

Бутун умрини шундай бунёдкорлик ишларига бағишлаган бир уста, ганчкор сифатида шундай гўзал юртда, унинг қадимий пойтахтида яшаётганимга доимо шукроналар айтаман, эл қатори келажакка интилган Тошкентимизнинг бун-

ни нафақат ганчдан, балки керамикадан ҳам яратиб устида изланмоқда. Шаҳримизда бунёд этилажак бинолар ўз миллийлигини сақлаган ҳолда замонавий бўлиши керак. Мен айтаётган керамик қошинлар, безаклар кўп йиллар ўз қуркини йўқотмаган ҳолда сақланиб туриши билан ҳам ахамиятлидир.

Ҳар бир ижодкор хайрлашаётган йил якунида қилган ишларига ҳулосалар чиқаради, Янги йил режаларини тузади. Мен ҳам шу кунларда, тобора яқинлашаётган 2005 йил режалари билан бандман. Шу кезларда устахонамга қирган кишининг столлар устидаги янги-янги эскизларга кўзи тушади. Наврўз байрамига қадар 10 хил янги моделлар, эскизлар яратиб, уларнинг тайёр намуналарини қурилиш ташкилотларига тақдим этиш ниятидаман.

Тошкент шаҳар солиқ хизмати ходимлари барча савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқларида назорат-касса машиналаридан қандайд фойдаланилаётганлигини алоҳида назорат қилиб бормоқдалар. Уларнинг саяё-ҳаракатлари билан 15 мингдан ортиқ савдо шохоб-часига «Харидингиз учун чек олишни унутманг» деб номланган плакатлар илиб қўйилди. Бундан ташқари нақд пулга фаолият кўрсатувчи тadbirkorларга махсус эслатмалар юборилди. Уларда назорат-касса машинасидан фойдаланмастик ёки харид учун кватанцилар бермаганлик учун молиявий жарималар қўлланилиши муқаррар эканлиги маълум қилинган эди. Шаҳар ҳудудидаги айрим дўконларда аҳолининг харид эҳтиёжини ошириш мақсадида назорат-касса машиналаридан олинган чеклар бўйича ютулки лотерея ўйини ташкил этилмоқда. Нақд пул тушумига эга бўлган тармоқлар бўйлаб шанба ва якшанба кунлари ўтказилаётган хронометраж ва мониторинглар ҳам яхши самаралар берапти. Шундай усуллар билан кейинги 17 кун давомида 28,5 миллиард сўм нақд пул туширилишига эришилди ва бу соҳада белгиланган режанинг 107,1 фоизга бажариллиши таъминланди. Хронометраж ва мониторинг ишлари мунтазам давом этапти. Бу тadbirkor хуқуқбузарликларга барҳам бериш, солиқ

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги «Пул маблагларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 280-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан Тошкент шаҳар Давлат солиқ бўшқармасида тўпланган тажриба йиғинларида ҳаммасларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Солиқ

**МОНИТОРИНГДА
АНИҚЛАНДИ**

конунчилигини мустаҳкамлаш имконини берапти.

Жорий йилда шаҳар бўйлаб назорат-касса машиналаридан фойдаланиш аҳоли салкам 5 минг марта текширилди. Шунда жойларда 307 ҳолатда назорат-касса машиналари ўрнатилмаган ҳолда эса назорат-касса машиналиги, 1915 ҳолатда эса назорат-касса машиналаридан фойдаланмаган ҳолда савдо фаолияти кўрсатилаётганлиги маълум бўлди. 13 жойда эса назорат-касса машиналари хотирасига турли йўллар билан тавсир ўтказилган эди. Пировадилда 136,3 миллион сўм нақд пул назорат-касса машинаси хотирасига киритилмай қолганди.

Харидор билан ҳисоб-китоб вақтида назорат-касса машинасини ишлатмаган ва унинг хотирасига тушумларни киритмаган ҳужжат



дан-да мафтункор бўлишига баҳоли-қудрат улуш қўшимнинг фарзандлик бурчим деб биланам.

Пойтахтимизда қад кўтариб турган Олий Мажлиснинг, Темурийлар тарихи Давлат музейининг, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг, Халқлар дўстлиги саройининг, «Наврўз» мажмуасининг, «Ўзбекистон» сув спорти саройининг, мамлакатимиз вилоятларида бунёд этилган иншоотларнинг бундай гўзал ва бетакрор чирой бағишлашига шоғирдларим билан камтарона ҳисса қўшганимдан фахрлини кўяман. Ва бундай фахрланиш замирида ҳали олдинда қиладиган ишларим, юмушларим бисёр эканлигини юракдан хис этаман.

Маълумки, бунёд этиладиган бундай иншоотларнинг меҳроблари, устунлари биноларнинг умумий кўринишига мос тушадиган керамик қошинлар, паннолар, нақшинлар билан безатилади. Камина бундай устунлар ва меҳробларнинг нафақат ганчдан, балки керамикадан ҳам яратиб устида изланмоқда. Шаҳримизда бунёд этилажак бинолар ўз миллийлигини сақлаган ҳолда замонавий бўлиши керак. Мен айтаётган керамик қошинлар, безаклар кўп йиллар ўз қуркини йўқотмаган ҳолда сақланиб туриши билан ҳам ахамиятлидир.

Яна бир гап: шу кезларда ганчдан саккиз қиррали қандилни тайёрлаш ишлари қизинг кетмоқда. Ўзига хос чирой ва салобатга эга бу қандилни ёпиқ ўйингоҳларга ўрнатиш мўлжалланган. Кейинчалик керамикадан ҳам шундай қандилларни тайёрлаш ниятидаман. Керамик қошинлар, устунлар, панноларга мовий ранг берилганда унинг гўзал ва кўзларни қувонтирадиган даражада ял-ял товланишини бир кўз олдингизга келтиринг. Миллий ва замонавий меъморчилик услубларининг бир-бирига омухта бўлиши бунёд этилаётган иншоотларнинг янада гўзал, янада салобатли бўлишини таъминлайди.

Биз бетакрор она юртимизни, унинг кўҳна ва доимо навқирон пойтахти бўлмиш гўзал Тошкентимизни жуда севадим. Академик шоиримиз Фабул Фулом ўзининг шеърларидан бирида кўҳна Шошни Рим, Париж, Лондонга алмасмаслигини айтганда нақадар ҳақ эди! Биз ижодкорлар ҳам ҳар доим Истиқлол нуруларига чулганган гўзал, ҳамиша мафтункор, шоир таърифлаганидек юртимиз юраги, қалбимиз Каъбатуллоси бўлмиш Тошкентимизни замонавий, меъморий ва қадимий шаҳар сифатида ардоқлаймиш ҳамда унинг довуруғи, шон-шухрати янада ошиши йўлида бор меҳримизни таъминлашимизни унга бахшида этаверамиз. Янги 2005 йил бўсағасида бир инсон, ганчкор уста, қолаверса, Тошкентини жонидан ҳам ортиқ севувчи фарзанд сифатида ўзимнинг қалб туйғуларимни, самимий тилақларимни «Оқшом» газетаси орқали барча юртдошларимга изҳор этиб қоламан.

Халқ устасининг дил сўзларини Солиқ ЁКУБОВ эътиб олди.
СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон халқ устаси Асрол Мухторов (чапда), ҳамкасб дўстлари билан; устанинг ганчдан ясаган гўзал осма қандиллар.
Муаллиф олган суратлар.

Тadbirkor Ю.Зеликка тегишли 217-сонли дўконда ҳам 1183 минг сўмлик ҳужжатсиз ва сифат сертификати бўлмаган истеъмол моллари рўйхатга олинди. Йил давомида ноқонуний йўллар билан тadbirkorлик қилаётган 71 нафар фуқаро фаолиятига чек қўйилди. Улардан бири Қорақамчи даҳасида истиқомат қилувчи фуқаро Н.Мирзабекова эди. Бу сохта тadbirkor ўз ҳондонидида қўлбола ароқ тайёрлаш сотишни касб этиб олган экан. Текшириш жараёнида яширин цехда 25 шиша қўлбола ароқ, 13,5 литр спирт, 51 дона Қозғистон Республикасининг акция маркаси, 312 дона қоқпоқ ва бошқа молсамалар далилий ашё сифатида олинди.

Собир Раҳимов тумани, Ф.Фулом маҳалласида истиқомат қилувчи З.Салимов ноқонуний равишда нон маҳсулотли цехини ташкил этган экан. Одатда бундай цехлар ташкил этиш учун тегишли идоралардан рухсатнома олинди, назорат-касса машинаси ўрнатилди. З.Салимов эса амалдаги қонунчиликка зид ҳаракат қилиб буханка нон пишириб сотаверган.

Текширув ўтказилган куни яширин цехда 60 дона буханка нон, 152,2 минг сўмлик бошқа хил тайёр маҳсулотлар борлиги аниқланди. Ҳозир тўпланган ҳужжатлар ўрганиб чиқилаяпти.
Жасур НОСИРОВ

**АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!
ЎЗБЕКИСТОН МУДОФААСИГА
КЎМАКЛАШУВЧИ "ВАТАНПАРВАР"
ТАШКИЛОТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ**

барганизни

Янги – 2005 йил


*билан энг эзгу тилакларни
билдирган ҳолда самимий
муборакбод этади!*

*Сизга-саломатлик йили хотадаётларимизга
куш-баракат, баҳриятлик, соғлик-омодлик,
байит-саодат келтирсин. Ватанимиз қудратли
этада оқсаломат, саломатлик оқсин.*

*Ҳорнда тинчлик, оилаларимизда тоқувлик,
дилларимизда шодлик доимо ҳукм сурсин.*



**ТОШКЕНТ ШАҲАР БОЛАЛАР СПОРТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ**



Барча қулайликларга эга замонавий спорт мажмуаларида шугулланаётган болажонларимиздан Осиё, жаҳон чемпиони, Олимпиада ўйинларининг ғолиблари етиштиришга тилакдошимиз.

Халқимиз соғлом, ўзбек спортининг байроғи доим сарбаланд бўлсин!

*Азиз ҳамшаҳарларимиз,
спортчиларимиз ва эршаримиз
келажакда бўлмиш болажонларимиз*

**2005–Сизга-саломатлик йили билан
қизғин муборакбод этади.**



Спорт

**ҚОСИМЖОНОВ
ЙИЛНИНГ ЭНГ
ЯХШИ
СПОРТЧИСИ**

Спорт журналистлари ўртасида йилнинг энг яхши спортчиларини аниқлаш хайрли аънаана тусига кирган.

Бу йил ҳам одатдагидек, мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатувчи 50 нафар спорт журналистлари ўртасида «Спорт» газетасининг ташаббуси билан «Йил спортчиси» сўровномаси ўтказилди.

Кувонарли томони шундаки, 2004 йилда мамлакатимиз спортчилари эришган улкан ютуқлар — Рустам Қосимжоновнинг шахмат бўйича жаҳон чемпиони тожини кийиши, ёзги Олимпиададаги олтин медаллар, боксчиларимизнинг ёрқин ғалабалари, чарм тўп усталарининг жаҳон чемпионатида сўнгги саралаш босқичига йўлланма олганликлари шулар жумласидандир.

Шундай қилиб, «Спорт» газетаси сўровномасининг жавоблари батафсил таҳлил қилинган, 204 балл тўплаган Рустам Қосимжонов қирқ бор биринчи овоз олгани ҳолда «Йилнинг энг яхши спортчиси» унвонига сазовор бўлди.

94 балл тўплаган Афина олимпиадаси чемпиони ва Сидней олимпиадасининг қумуш нишон совриндори бўлган эркин курашчимиз Артур Таймазовга иккинчи ўрин nasib этди.

Учинчи ўринни эса 36 балл жамғарган футболчимиз юлдузи Миржалол Қосимов банд этди.

Шуни таъкидлаш жоизки, йилнинг энг яхши спортчиларини юқоридаги тартибда тўппа-тўғри топган 9 нафар журналистлар орасида «Тошкент оқшоми» газетасининг спорт шарҳловчиси Дилшод Исроилов ҳам бор.

**ЯНГИ ЙИЛГА
МУНОСИБ
СОВҒА**

Греция пойтахти Афина шаҳрида икки кун давомида спортнинг жасурлар ва элчиларни саралайдиган тури — кикбоксинг бўйича жаҳон чемпионати беллашувлари бўлиб ўтди.

Бутунжаҳон профессионал кикбоксинг ассоциацияси ташаббуси билан уюштирилган жаҳон чемпионатида Шимолий Америка ва Европа қитъасидан ташриф буюрган кўплаб маҳоратли кикбоксинг усталари иштирок этишиб, ғалаба учун кураш олиб боришди.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, ушбу нуфузли мусобақаларда юртимиздан ягона вакил — Темир Мухаммадҷонов 64 килограммгача вазнда иштирок этди. Финалда англиялик рақиб — икки карра жаҳон чемпиони Бенноф Устидан чиройли ғалабага эришган Темир ҳурмат шохсупасининг энг юқори погонасидан жой олди.

(Ўз мухбиримиз)



Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда оғир атлетика федерацияси ташаббуси билан ташкил этилган хотира турнирида 1989-1990 йилларда туғилган ўсмирлар ва кизлар, республика биринчилигида эса 1986 йилда туғилган ва ундан ёш спортчилар, жами 210 нафар оғир атлетикачи ўзаро куч синашди.

Еш, кучли спортчиларнинг кўпчилиги, турнир нуфузи юртимизда оғир атлетиканинг нақадар оммалашиб, ривожланиб бораётганидан далолат беради. Энг муҳими, кўпгина вазн тоифаларида қатнашчилар яхши натижаларни кўрсатиб, ишқибозлар кўнгилларини шод этишди.

Шундай қилиб кескин беллашувлардан сўнг куйидаги спортчилар ҳурмат шохсупасининг энг юқори погонасидан жой олдилар.

38 килограммгача бўлган энг енгил вазнда М.Бегалиев икки кураш натижасига кўра 130 килограммлик вазини забт этган ҳолда голиб чиқди.

Оғир атлетика

**ЯХШИ НАТИЖАЛАР
КЎРСАТИШДИ**

Янги йил арафасида беш кун давомида шаҳримиздаги Республика олимпия заҳиралари коллежи спорт залида мамлакатимизнинг ёш, иқтидорли оғир атлетикачилари Ўзбекистон биринчилиги ҳамда Юрий Арутюнянц халқаро хотира турнирида ўз куч-маҳоратларини кўрсатганлари ҳолда ғалаба учун кураш олиб боришди.

42 килограммгача вазнда Улуғбек Қобилжонов 115 килограммлик штангани кўтариб зафар қўчди.

Бундан ташқари, 69 килограммлик спортчилар ўртасида Ақобир Усмоновнинг 252,5 килограмм вазини кўтариб голиб чиққанигини таъкидлаш жоиз.

Қолган вазнларда куйидаги спортчилар ғалаба қозонишди: М.Машарипов, С.Қобулов, М.Имонов, О.Қосимов, А.Мама-тқулов, Р.Ражабов, А.Ғуломов.

Кизлар иккита вазнда баҳс

Матбуотлар

**ЙЎЛ ҲАРАКАТИ
ҚОИДАЛАРИНИ
ЎРГАНАМИЗ**

Фарзандларимизнинг соғлом, одоб-ахлоқли, таълим-тарбияли бўлиб вояга етишлари йўлида давлатимиз томонидан катта саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши, шаҳар ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ва шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда болалар иштирокидаги йўл транспорти ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган дастур асосида йил давомида бир қатор ишлар амалга оширилди. Бу борада шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан туман халқ таълими бўлими мудирлари, шаҳар оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, шаҳар Қизил Ярим Ой жамияти билан махсус режа тузилиб шунга мувофиқ иш олиб борилади.

Куни кеча ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси — «Сиз йўл ҳаракати қоидаларини биласизми?» деб номланган кўрик-танловнинг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Танловда шаҳримизнинг ўн битта туманида голибликни қўлга киритган жамоалар иштирок этди. Иштирокчилар еттита йўналиш бўйича беллашиб, йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қандай кўникмаларга эга эканликлари, турли таъсирдор, бахтсиз ҳодиса юз берса биринчи галда кўрсатиладиган ёрдам қандай бўлиши кераклигини маҳорат, эпчиллик билан кўрсатиб бердилар. Ўқувчи-ёшларнинг бу қадар фаолликларини кўрганда устоз-мураббийларнинг заҳматли меҳнатлари бекор кетмаганига ишонч ҳосил қилади киши.

— Ўқувчи-ёшларимиз билан йил давомида қатор тадбир, кўрик-танлов, учрашув ва семинарлар ўтказилди, — дейди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Умида Мухамедова. — Бунда мактабларда йўл ҳаракати қоидаларининг 17 соатлик ўқув дарсларини сифатли ўтказиш, кўргазмаларни сифатли ўтказиш, кўргазмали ўқув куроллари ва керакли адабиётлар билан таъминлаш катта ёрдам беради. Йил бошида тузган дастуримиз Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой федерацияси томонидан тас-

диқланиб унга маблағ ажратилган, режа асосида ишга киришганмиз. Унга мувофиқ йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб қилувчи 10 та панно ишлаб чиқилиб шаҳар Халқаро бизнес маркази ёрдамларида шаҳримизнинг гавжум кўчаларига ИХБнинг ташаббуси билан ўрнатиб қўйилди. 5000 та йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилишга чақирувчи мурожатлар ишлаб чиқилиб барча мактаб ва мактабгача тарбия мусассасаларига тарқатилди. Ҳамкорликда олиб бораётган барча ишлардан эса мақсадимиз битта — яхши ишларимиз, файзли, тинч кунларимиз давомида сиз бўлган болажонларимизни соғлом, бешикаст, йўлларда содир этилиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалардан сақлаб, комил инсон бўлиб вояга етишларига ҳисса қўшишдир.

Танлов нияҳоятда қизиқарли ўтди ва голибликни Шайхонтоғур тумани қўлга киритди. Иккинчи ўрин Собир Раҳимов ва Чилонзор туманларига, учинчи ўрин Юнусобод ва Миробод туманларига nasib этди. Турли номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланиб, уларга Фаҳрий ёрлик ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

**Шаҳризода МУҲСИМОВА
СУРАТЛАРДА:** «Сиз йўл ҳаракати қоидаларини биласизми?» танловидан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.



довлар ғалаба нашидасини сурсишди.

Барча голиб ва совриндорларга дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТДА: оғир атлетика мусобақаларидан лавҳа.

Алексей Попов олган сурат.



**Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар —
133-28-95, 132-11-39,
-факс: (3712) 133-29-09

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2812 нускада босилади. Қозғоқ биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чақади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турки» кўчаси, 41-уй.